

ЮРИЙ ВОРОНОВ

Қанотлар

Тошкент
Ғафур Ғулсам номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1989

P 2
B 86

В $\frac{4702010200}{M 325(04) - 89}$ Доп. 88

© Гафур Гулом номи-
даги Адабиёт ва санъ-
ат нашриёти, 1989 й.,
(тарж.).

ISBN 5—635—00209—9

Қ А Н О Т

Агар бұлгандайди қанотларимиз!
Қушларники каби қудратли, кучли.
Катта ерга ёриб ўтар эдик биз,
Катта ерга кета олардик учиб.
Унда снарядлар портлашларидан
Уйлар тебранмайди. У ерлар — жаннат.
Ленинград, қамални ўчириб ёддан
Сокин ухлаш мумкин у ерда фақат.

Агар бұлгандайди қанотларимиз!
Қора қишнинг қаттиқ бўронлари-ю,
Қора аёз, қора шамөлидан биз
Учиб кетолардик жанубга мангу.
Осмонида темир дайдилар учмас,
Хавф-хатар йўқдир ҳеч ойдин тундан ҳам.
Унда оппоқ тонгга чиқади пешвоз
Иссиқ нон ҳидига қоришган олам.

Агар бұлгандайди қанотларимиз!..
Қанотимиз бўлса ҳам агар,
«Журъат йўқ!» деб айтмас эдик биз,
Учиб ҳам кетмасдик муқаррар.
Самоларда қушлар учаверсин. Биз
Юлқилаб ўз қанотимизни
Катта гулхан ёқардик, шаксиз,
Душман кўрсин учун
Гулханнимизни.
Агар бұлгандайди қанотларимиз!..

* * *

Қамал кунларида
Болалик билан
ва на йигитликнинг фарқини билдик.

Ун беш ёшимизда
Медаль беришди.
Икки йилдан кейин
Паспортли бўлдик.

Таажжуб қиларли
Жойи йўқ буни,
Аммо эшитганлар
Уйланар бир он.

Тиллари бормайди
Бола демакка.
Қатталар сафига
Қўшмакка ҳайрон.

О Т И Ш М А

Яна зириллади дераза,
Кулбалар титради
Портлашдан зада...
Бола-чи, кулар уйқуда,
О, она
Уйғониб қўрқмасин дея,
Аллалар айтади
тинчлик ҳақида.

ИЗЛАР

Ғалаба — агарда бўлса ўтган йўл,
Бу фақат менингмас,
Иккимизники!..

Бу бегона излар
Келди менга қўл:
Уларсиз эзарди машаққат юки!

Из каттариб борар,
Қисқарар қадам:
Каттарроқ қадамга ҳол йўқ, афтидан...

Бирдан
Шошилганми ғоят у одам,
Оппоқ излар
Ғойиб бўлди дафъатан.

Инсон —
Етар эди қорда юзтубан
Ва уни
Қор билан кўмарди шамол.

Ердам бера олмас эдим унга мани!..
Бўларми дунёда
Бундан мудҳиш ҳол?

ОНА СУЗИ

Фашистлар қамали вақтида ҳалок бўлган 470 минг ленинградлик дафн этилган Пискарёв қабристониди Она ёдгорлиги бор. Она Ватан рамзигина эмас, у қайғураётган аёл тимсоли ҳамдир. Ҳар куни бу ерга юзлаб одамлар зиёратга келадилар. Она уларнинг юзу кўзларига боқиб, сўзсиз суҳбатлашаётгандай таассурот қолдиради.

Кундузу кечаси, кечаю кундуз
Толғин кўзларимни сира юммайман.
Мозорнинг оромин гулдасталар-ла
Қўриқлаб ётишдан асло толмайман.
Мумкинмас Онанинг
Болаларининг
Мозори бошида чарчаб қолмоғи.
Мумкинмас
Бедаво кечган йилларнинг
Она яраларин тузатолмоғи.

Бу чексиз
Гўрларда ухлаган мардлар
Эшитмаслар
Асло қадамлар сасин.
Эшитмаслар мотам куйин овозин.
Қўрқинчлимас унча тинсиз ёмғирлар,
Совуқ изғирин —
Фақат армон тирнар уларни ҳамон,
Ғалабани кўрмоқ этмади насиб.
Ғалаба эса-чи дала гуллари
Билан чўғланганча, рангланиб келди.
Рейхстагнинг қора қутиси узра
Енган байроқ каби
Ҳилпираб келди.

Ғалабага элтган йўллардан бири
Бошланган улардан
Шаҳрим деб турган
Жасорат
Касбига айланганлардан.

Кузатиб турибман мангу оловни
Учмасин дегунча
Абадул абад.
Олов япроқларин
Узмасин шамол,
Кўчсин асрларга
Бу ўтли шуҳрат
Худди ҳозиргидай
Унга талпиниб
Одамлар келсинлар бош эгиб фақат.

Кузатиб турибман одамларни ман,
Улар ўтмоқдалар олов ёнидан.
Қанчалар ғам бордир ёниқ кўзларда,
Қанчалар қайғу бор
Еруғ юзларда.
Нақадар оғирдир, азобли қийноқ:
Менга қарамасдан ўтганлар учун,
Ҳали тушунмасдан юрганлар учун,
Мозорда
Мумкинмас
Ахир шошилмоқ.

Ҳеч кимга рухсат йўқ.
Ҳаттоки меҳмон,
Ишчию, президент
Ҳақлари йўқдир
Шошмакка бирор он.
Вақтни аяманг,
Сукут сақланг, сукут.

Сўзларнинг маънисин чақинг бирма-бир.
Ахир бу тошлардан
Мармар тошлардан
Дод-фарёд қўллари ўсиб чиққандир.

Одамлар қалбига
Майли қуюлсин
Шу сатр:
«Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмаган»
Урушдан қайтмаган
Инсонлар ёди
Мужассам тириклар қасамёдида.
Ҳукм бор олдиндан
Уруш истаган
Қасларнинг гурлаган гирдибодига.

Хотира керакдир, хотира керак
Уруш қуюнлари
Босмаслиги-чун.
Оғриқли бўлса ҳам,
Бўлса ҳам маҳзун
Хотира керакдир, хотира керак.
Кулфатни
Кўкрак кериб туриб мардона
Заминга ҳеч қачон қўймаслик учун,
Донороқ,
 ўткирроқ
 бўлмоқлик учун
Хотира керакдир, хотира керак.

Эслайман,
Чет эллик меҳмон бир куни
Ич-ичдан куюниб,
Қаттиқ ачиниб
Қабрларга боқиб бир оз таънали .

Шундай деган эди.

Овози синиб:

— Камроқ бўлармиди балки шаҳидлар,
Ҳокимлар шаҳарни ташлаб
Кетсалар.

Ва мисол келтириб
Маълуму машҳур
Кентлар номларин,
Эсларди
Қон тўкмай, қурбонлар бермай
Қамалдан қутулган уруш ерларин.
Фақат у айтмади
Билмадим нечун,
Қандай тугашини бу уруш офат?
Бўлмасайди

Брест,

Одесса,

Москва,

Сталинград.

Айтмади у, Нева бўйида
Магар Россияни тўсиб кўкси-ла,
Турмасайди этиб қасамёд
Ташламасайди уруш оғзига
Енгаман деб ўзин Ленинград,
Қандай тугашини бу уруш фақат?
Бу ерда заминнинг тақдири учун
Гулдирарди қасос
Жанги беомон.
Ва қирқ бешинчи баҳори учун
Ленинградликлар
Берардилар жон.

Қайғу ухлаб ётган қабрлар аро
Ёд этиб ўтган жангларни бир дам.
Мен даъват этаман
Нафаси сўнган,
Лекин мангу уйғоқларнинг номидан.
Инсонлар!
Ҳаётни асрангиз,
Туринг.

Ер узра юлдузлар осмонни бўлсин.
Қул-қурум тўлмасин
Уйларимизга
Ва фалак уларнинг устида мангу
Мустаҳкам
Ўқ ўтмас гумбаздай бўлсин.

ВАЙРОНАЛАР

Вайронадан чиқиб кетмади у ҳам,
Яхши бўлар эди,
Бунда бўлмаса.
Биларди,
Кўмилиб қолганин одам,
Бироқ эмаклади,
Бир ёғоч — асо.

Ухлаш учун кетди
Қайгадир, чоғи
Пайдо бўлмоқ учун
Эрталаб яна.
Келди —
Ва ўғринча унинг нигоҳи
Қора юзимизда
Сирғалди, мана!

Биз кўз уриштирдик
У билан сўзсиз,
Аядик — демадик ҳаттоки шундай:
Сени-ку қутқариб
Қолар эдик биз,
У башарти
Ёрдам
Берганда тунда...

Ш У М У Р Т

Душман бизни кўрар дурбинда.
Боқар
Таниш кулбалар сари.
Мўъжиза — «Оқ байроқми?» — унда..
Бу оқ эса-
Шумурт гуллари!

Тез кунда-ку суман боғларда
Қайнар
Денгиз кўпиги бўлиб.
Ўқ сирена қилса-да зарда
Суман асю
Қолмайди сўлиб.

«Ҳайратланма баҳордан бошқа»
Мажбур қилмас
Ҳеч куч, ҳеч ғамлар.
Шумуртларга, қушлар, қуёшга
Ҳайрат билан
Боқар одамлар!

ШАҲАР ЧЕККАСИДАГИ БОҒ

Бунда аввал қиларди жилва
Қарағайлар, тоғтерак, эман.
Энди қўзиқорину мева,
Миналарнинг ўсгани ёмон...

Деворлари тикан-шийдали
Мина билан «жиҳозланган» боғ —
Ёвдан қалқон бўлади ҳали,
Келиб қолса агар қалтис чоғ.

Боғ — нақ ярим соатчалик йўл,
Қоровули кўпинча зўрға
Қўяр бизни қўзиқорин мўл
Майдончага — чакалакзорга.

Бузилгани таъқиқнинг фақат
Сирлигича қолур сийнада,
Сиздан ўтинч, сизга маслаҳат:
Тилка-пора бўлманг минада!

Ё М Ғ И Р

Гоҳо кучли, гоҳо ёғар оҳиста
Ёз ёмғири
Майса, булоқ, дарахтга.
Том устида увлаб
Снаряд қайта
Хипчин ҳуштагидай
Айлайди карахт.

Уша снарядни
Эшитмадим ҳам,
Ва ҳушимга қайтиб
Келмайман ҳамон:

Замбилни ёнимда
Кўрмадим шу дам,
Бинтли ҳамширани
Эслай олмайман.

Кечки тамаддига
Элтар эдим нон,
Қонимдан у қайта қорайиб кетди.
Энди керак эмас
Менга ҳеч қачон:
Қарлик,
Соқов,
Кўрлик, тангликка етдим.

Юрагим энтикиб
Урмайди энди,
Бундан буён энди менинг учун деб,
Ер ўз айланишин қилмагай канда.
Асфальтларни ёмғир
Жаранглатар хўб.

Биз учун йўқ ором:
Чунки аввало
Муқаррар ғалаба қилишимиз — шарт...
Умидим Ленинград, қилгум тавалло,
Алмаштир,
Ўрнимга чиқсин бошқа мард!

* * *

Баъзан шундай ҳолат юз берар:
Туш кўрасан
умринг изларин.
Бу дунёга ташлайсан назар,
Кўзинг сенинг уруш кўзлари.

Хотирангни ямаб ясқайсан
Хотирага умр
Пайвандир.
Кишанланган Прометейдек
Шум қамалга
Бўласан банди.

Тағин чилла бўзарар оппоқ,
Атрофингни дўстларинг қуршар.
Улар ҳамон
Навқирон, қувноқ,
Ҳол-аҳволинг
Сўраб турншар.

Айтишади:
— Сал шошилибсан.
Бизлар бўлсак қилардик бундоқ.
Қаердадир
Сал чекинибсан,
Ахир мумкин эмас чекинмоқ.

Сен ўзингни
Оқлаб оласан.
Узгарар-ку йиллар, ҳаёт ҳам.
— Гуноҳқордир йилларим, дейсан,
Дейсан, энди
Мен бошқа одам.

Ҳа, бошқасан —
Дейишар улар,
Ҳайрондирмиз,
Ахир одамлар

Сени кўриб, бизларнинг хақда
Гапирганлар,
Баҳо берганлар.

Сени биз-ла этганлар қиёс
Ва кўрганлар
Сенда қалбимиз.
— Шундайку-я,
Оғирдир
Бир оз.
— Айт,
Енгилми бизнинг дардимиз.

Кетишади жимгина, синчил
Кўзларингга
Боқиб бирма-бир.

...Яшаяпман Прометейдек
Шум қамалга
Бўлганча
Асир.

ҚИРҚ БЕШИНЧИ ЙИЛ КУЗИ

Пойимизда маҳзун шитирлайди куз:
Ғамгин қиладиган фасл бу, бироқ
Баҳор шодиёнасин уфурар шамол,
Одамлар куз деган хаёлдан йироқ.

Улар учун гўё бошланган наврўз,
Ғам тоғи қулаган... Янгарган олам...
Пойимизда маҳзун шитирлайди куз
Ва лекин йўламас юракларга ғам.

Қулоғимда қолмиш,
Қолмиш ул хазин
Қор узра сирғалган
Чаналар саси.

Ёзимни тилкалар
бу сокин шиғир,
Фарёддек, ноладек
ва ёки йиғи...

Худди кечагидай
Уртангум тинглаб...
Оппоқ қор — чойшабда
Укам ва синглим.

Т О Ш Л А Р

Хатларда сатрлар:
«Тошдай маҳкам туринг, йигитлар!...»
Ва лекин хотира
Бу сўзларни, афсус, унутар.

Йўқ, улар
Сийқа сўзлармас,
Алмисоқдан қолган
Қиёмас, лекин
ахир, баъзан
Келтиради баҳор эпкинни
Кечиккан бир кузги майса ҳам.

Бу жойда йўқ
Сўзга лоқайд кимсалар —

Бу жойларда сўзлар
Ҳаммадан ҳам кўпроқ ярар!

Бироқ, одамларсиз
Тошдан битган арслонлар,
Биноларнинг мраммари,
Невадаги харсанглар
Бўлмас эди боши осмонлар...
...У, тошлар!
Инсондайин маҳкам туринг!

* * *

Ҳаётга саволлар
Бўлмаса агар,
Ялтсқлар бўлмаса
Мабодо тўрда,
Филдиракни эски
Издан чиқар,
То ботиб ётмасин
Эски чуқурда.

Ҳаёт яна янги вазифа қўяр:
Ҳаммасига жавоб
Топа билмайсан...
Жавоб топа олсанг барига агар,
Демак, сен яшайсан,
Демак, ўлмайсан!

* * *

Тунлари ухлалмай қоламан гоҳи:
Хотирот ярадай
Қонлари оқар.
Тагин эмаклайман

Парчин ғиштларда,
Ойдинда
Ям-яшил ёғдулар оқар.

Тағин
Эмаклайман вайроналарда,
Кимнингдир ноласин,
Додин эшитиб.
Чалғинар кўзимга
У девор ёнида,
Бу эса
Йиқилган томнинг товуши.

Харобалар жимжит
Ёрдам бермаслар.
Биз-чи, кўрсичқондай
Зулмат ғоридан —
Битталаб ғишларни улоқтирамиз,
Тозалаб чиқамиз, унинг бағридан.

Ҳали топилмаган икки кишини
Сангин қафаслардан
Зарур обчиқмоқ.
Кетмаймиз,
Билсак ҳам, тириклар уч кун
Ўтгач изланмайди, умуман, мутлоқ.

НЕРУДА ЖАЛЛОДЛАРИГА

Пиночет гуруҳига
Чили булбули чикор!..
Неруда — ўз юртида
Қамоқда хору абгор.

Ҳақиқат ҳеч эгмас бош,
Шармисорлик — ўчмас доғ.
Шоирга ким отса тош,
Бошига қулайди тоғ.

СОҒАЙИШ

У ҳис этди:
Келар сўнгги он,
Нафаси узилар балки ҳадемай
Ва лекин шу замон
Ногоҳ эшитди:
Бир болакай қичқирди шодон...
Гудок чалди шатакчи кема...
Шалоплади эшаклар аста
Ва майсалар устида хушқол
Чалқанчаси ётган бир аёл,
Қизғалдоқлар йиғиб бир даста,
Унга томон оқ булут мисол
Сузиб кела бошлади аста...

Шунда
Кўрганлари ўнг бўлсин учун,
Кўрсин учун,
Эшитсин учун
Ишга солиб ирода кучин,
Врачларнинг наздида нафас
Олмай ётган бу хаста, хуллас,
Турмоқ учун қаттиқ аҳд қилди —
Яшамоқни буюк бахт билди.

Соғайиб кетганда
Врачлар маҳкам

Қўлларини сиқдилар, фақат
«Қандай қилиб?» деган бир савол
Қийнар эди уларни беҳад.
Илму фанда йўқ эди бу ҳол.

Б У Л Г А Р И Н

Бош оғриғи
Йиқди ёстиққа,
Миясида қўзғатиб рашкин,
Кин араси ўйнади ғужғон,
— Бўлмасайди
Оламда Пушкин,
Бўлмас эдим
Бу қадар ёмон!

Қўлин
Жаллод болтаси мисол
Оқ қоғозга
Оҳиста чўзар:
Ижод қилмоқ
Қанчалар азоб,
Чақув бўлса агар бу «асар»!

БАЛАНДПАРВОЗ СЎЗЛАР

«Баландпарвоз сўзлар!..»
Деди ёзувлар,
Юзларига қалқди заҳарли ханда,
Гўё бегона ўт эди бу сўзлар,
Гўё чала ёнган
Куюнди кунда.

Оламда кераксиз сўз
Бўлмаган,
Бўлмас,
Бўлмагандай бизда
Кераксиз туйғу.
Агар сўз униқса
Айб сўзда эмас,
Айб уни ишлатган
Одамларда-ку.

Сўзлар ўз ҳолича мавжуд бўлмайди,
Сўзлар замирида
Қураш, умр, иш.
Душман бу сўзлардан
Бежиз қўрқмайди,
Шартми тилимизни қашшоқлантириш?

Қилган ишимизга
Мос келса, дўстлар,
Майли, баландпарвоз
Бўлса ҳам сўзлар!..

* * *

(Расул Ҳамзатовга)

Тоғлар, қирлар яратди,
Парвардигор.
Уйлаб топди баҳор ҳамда куз фаслин,
Юлдузларни тунги
Осмонга отди,
Шаробга — кайф берди,
Ёрга — ёр васлин,

Сўнг артди терини
Ўзидан мамнун.

Шунда қутқу солди
Тиржайиб шайтон:
— Катта иш қилдингиз,
Оллоҳим, лекин
Қадрин билармикин
Бефаҳм инсон?..

Шунда
Бу оламда яшаш
Бемисл
Ажиб неъматлигин билсин деб одам,
Парвардигор деди:
— Бор бўлсин, Расул.,
Ва арши аълога қайтди хотиржам.

Қ А Д А Ҳ

Яна далаларда мавж урар буғдой,
Қалин қамишзорда
Яйрар ўрдаклар.
Ўт-ўлан оралаб,
Ҳайиқмай, чўғдай
Гуллар териб юрар жажжи гўдаклар.

Шаффофдир,
Хушбўйдир
Жавзо осмони,
Ўрмонлар,
Ўтлар узра сукунат,
Бир йил аввал бунда
Уруш тўфони
Гулга бало эди,
Болага — офат.

Хув анов оқ қайин
Остида инграб,
Жангчи ётар эди
Беланиб қонга.
Сўнгги бор япроқлар аро мўлтираб
Кўз солди ложувард,
Олис осмонга.

Мажоли етмади,
Кўп ўтмай бироқ
Қайинга қўл чўзиб,
Ерга юз бурди...
Мозори устида
Узундан-узоқ
Увада булутлар чайқалиб турди.

Мен қадаҳ кўтаргум:
Сайёрамизни
Қутқариб,
Ўзлари ўлганлар учун!
Ед этиб,
Сукутга чўмайлик бир оз!
Ва дунёга янги келганлар учун
Қолдирайлик шундай
Одатни мерос.

БАЛИҚ ОВИДА

Дарё буримларда сиймин ярақлар,
Шамол бор овозда куйлар беҳато.
Унинг қармоғига
Тушар балиқлар,
Менга
Чавақлар ҳам илинмас ҳатто

Пўкагим жўрттага, ҳадеб дафъатан
«Иўқолиб» қолади аста ирғалиб:
Сувда
Қиз чеҳраси
Акс этиб турган
Жойга кетиб қолар
Қурғур сирғалиб.

Аксимиз ёнма-ён!
Кўрса эди, о!
Қаёқда!
Ов билан овора — хушқол!
...Буримларда сиймин ярақлар дарё
Увлаб, бор овозда куйлайди шамол.

Қ У З

Ангизни савалар олатасир дўл,
Япроқларни лойга қоради шамол.
Ёмғир ювиб,
Ивиб,
Мажақланган йўл
Ҳам у ён,
Ҳам бу ён эмаклар беҳол.

Мен ҳам ивиб кетдим
Йўлдан бешбаттар,
Дилдирайман қари шамолдан кўпроқ.
На жой бор,
На ғарам,
Пана — бехатар,
Манзил эса ҳали
Жуда ҳам йироқ.

Йўқ, мен бу ҳавони сўкмасман ҳеч ҳам,
Ранжмайман, куз-да,
Кузлигин қилар.
Ахир куз шилтасин кечмаган одам
Баҳорнинг қадричи қаёқдан билар.

А Р Ш

Ўн саккизда, ҳар тонгда
Чиққан қуёш каби жим,
Кўнглимдаги осмонга
Чиқмоқни ўйлар эдим.

Ииллар ўтди, мана, мен
Англаб етдим, алхусус,
Қуёшдай бўлмоқ учун
Кучим етмас. Минг афсус!..

У — қуёш! Мен орзуим
Нсга ҳам тарк этайин:
Ҳеч бўлмаса мен ўзим
Ўз аршимга етайин!

К Е Ч И К И Ш

Қиз бир лаҳза кечикиб келди,
У йўқ —
Гўё
Сувга чўккан тош.
Яхшиямки ёмғир қуйилди,
Биллинмади
Юзидаги ёш.

Қиз йиғлади,
Юм-юм йиғлади,
Билмас эди ҳозир батамом:

Бахти кўпга
Чўзилмас эди
Кечикмаса
Агар бу оқшом.

* * *

Бу зот —
Гап-гаштакда ҳозир у нозир,
Бошқалар келарлар
Муҳтож чоғингда
Ва улар турарлар кўмакка ҳозир
Ҳар дардли нигоҳинг,
Ҳар бир оҳингда.

Осмондан ёғилган юлдузлар мисол,
Қутилмаган чоғда бостириб, қаранг,
Қору ёмғир демай
Келарлар дарҳол,
Кўриб,
Битиб кетар ҳар қандай яранг.

Дийдорлашиб,
Яна бўларлар ғойиб,
Келмаслар,
То ўзинг муҳтож бўлмайсан...
Оҳ, улар келганда
Кетарсан бойиб,
Лекин бу келганда...
Тушунолмайсан!

* * *

Туйқус келар,
Гуё баҳор қалдирғочидай,
Кўз олгувчи,
қувнатувчи

Қуёшнинг нур — чақмоғидай,
Қудратли ларза —
Бир-бирига бегона бўлган
Икки жинсни тўқнаштирувчи
Восита лаҳза.

Ҳали ҳеч гап
Айтмай қўллари,
Лаблари ҳам
Сўрамай ҳеч гап,
Гаплашарди ёлғиз кўзлари
Ва кўп нарса билдилар сўраб!

Агар кейин
Сўз ва тафаккур
Бирор маъно касб этса агар
Бу кеча ва
Умрда бир бор,
Юзда балқиб тургувчи бу нур.
Сабаб бўлди
Дея айтар ким?

У С Т А

Дедиларки:

Бу кўчада

Ижод қилиб яшар усталар.

Биз

Бир эзгу маслаҳатнинг изидан тушиб,

Тонгда шошиб йўлга чиқдик

Шу кўча томон.

Пештахталар тўла турар

Буюмлар билан

Буюмларки,

Қизиқмасдан бўлмайди асло,

Ликопчалар,

Нағаллару

Тўғнағичлардан.

Сирли, сирсиз патнисгача бўлган муҳайё.

Аммо кўча...

Оломоннинг баҳси тўхтамас:

Нега бундай усталарнинг

Уйлари аро

Баланд-баланд деворлар қуриб,

Ҳамсоясила

Юз кўрмасга айланишган душмандай гўё

Эшигининг танбасига суянганча,

Сухбат аро қўшилганча

Бир уста бизга

Кўнглидаги «дардларини» айлади ошкор.

— Бу деворлар қурилмаган бекорга асли,

Ҳамма ўзи билсин қайдан тутган ўрнини.

Деворлар бор бу дегани

Қўшнилари энди

Бир-бирининг ишларига

Тиқмас бурнини.

Сумбатлари баҳодирдай

Бўлса-да, лекин

Изоҳлаган уста тожир

Экан сўнг билдим.

«Бир-бирингдан

Сир яшириб,

сир тутсанг,

Қандай устасанлар ўзи?»

Дей ўқиндим.

Яхшиямки,

Кўча сўнгида

Жойлашган уй дарвозанинг

Қанотлари очиқ экан,

Уй эгаси кекса кандакор!

Ишлар эди

Қорамагиз юзларида ўйнаб табассум,
Дарвозаси каби очиқ юрагида ҳам
Кир йўқ эди,
Ҳар қандайин суҳбатдошига
Ўзи севган санъатидан берарди асрор.
Асил санъат ёқтиради ошкораликни,
Кимки уни яширади бўлади афгор.

* * *

Майнинг шафақларига
Худди қасдлашгандай
Настарин гуллайди,
Невага
Музёраб кемалар
Кутилмаган лаҳза қилади ташриф.
Улар Ладогадан
Денгизга ўтар,
Қарайсан:
Дарёда асов тўлқиннинг
Қадамларини боғлаб ташлаган
Музларнинг фаройиб шамойилига.
Ва бирдан танийсан
Қитъалар,
Дунё ороллари,
Мамлакатлари.
Баҳорнинг сувлари қайнайди
Ва музлар ёрилар бетаскин.
Бир-бирига урилиб,
Баъзиси жуда ҳам мустаҳкам.
Қадимий қалқондай ёрилмас.
Баъзилари худди ликопчалардай
Мўрт,
Эриб кетадилар чиқармайин сас,
Ўтказиб денгизнинг кенгликларига
Мустаҳкам, эримас музларни.

Чағалайлар тинмай куйлайдилар.
Уларнинг қўшиғи балки ул абас
Эриб кетаётган музлар ҳақдадир.
Аммо эриб кетаётган музлар учун ҳам
Ўйламанг, бу асло осон иш эмас.

А З А Д А

Хотирлар эдилар марҳумни,
Жуда кўп азоблар чекди деб.

Ачинар эдилар,

Орамиздан у,

Эссизгина,

Эрта кетди деб.

Ўзини аямай ишлади,

Билмади бу ўтар дунёни.

Ҳатто ёши ўтиб ўзгартмади-я,

Ёшликдаги одатларини,

Дея койишарди.

Кейин

Суҳбат кетди қизишиб

Кимдир тақдир деди,

Ким деди кураш,

Хуллас,

Гапхонанинг оғзи очилди.

Аммо мавзу эди жуда ҳам ўхшаш —

Гўё марҳум ҳақда сўзлашарди-ю,

Ҳамма ўз дардини сўзларди ёниб.

САТ Р Л А Р

Сатрлар бўлади —

Гўё

Мусибатда қолган дўстга

Чўзилган қўллардай

Очиқ нажоткор,

Сатрлар бўлади —
Гўё музларин
Парчалаб ташлаган
Дарёдай бедор,
Сатрлар бўлади —
Қаҳратон қишда
Ногоҳ елиб қолган
Жануб шамолидай жонбахш
Ва илиқ.
Еинки
Мангулик бонгга менгазган
Буюк товушида умидлар интиқ,
Сатрлар —
Бамисли ҳижронда қолган
Севиқли аёлнинг нигоҳларида
Бевақт қотиб қолган
Мунгдай бетакрор.
Сатрлар —
Баъзан бўм-бўш туюлар улар
Ва бирдан кутилмаганда
Қуёшнинг нуридай чиқар отилиб,
Видолашув они қабр устида
Отилган ўқлардай кетар сочилиб.
Соғинчли йўлларга чорлаганча жим
Олис саволларга беради жавоб.
Хуллас, сатрлар шундай тўлади,
Улардан биз кутган шеър туғилади.

* * *

Гапирарди гўё
Ямаётгандек,
Тушунарли эди
Гўёки бари.
Юракка кирарди
Ёнаётгандек.

Қайтганда гурларди
Қалб гулханлари.

Қалблар итоаткор,
У эса энди
Совиб қолган,
Ичикар.
У фақат
Қалб ичига
Кириш учун қизиқар.

* * *

Қанотсизлар керакли
Гояларни беролмас...
Ҳозир одамда қанот
Бежизга расм эмас.

Қушлар каби уларнинг
Фарқлари аниқ бугун:
Парвоз учун бировга,
Бировга пардоз учун.

ОДДИЙ ВОҚЕА

Бунда ётиб келмас
Ўрмоннинг ҳиди,
Йироқда ҳам
Живирламас дарёлар.
Настарин ўсган ҳовли бўлмаса эди,
Бу ер туссиз
Аталарди муқаррар.

Гарчанд настарин кичик,
Аммо ҳар баҳор

Иўловчилар
Нигоҳин тортар.
Девордан мўралаб
Шум боладай
Такрор ва такрор.

Настариннинг ялтироқ барги,
Ифорига тўлиқ
Ҳовли ёнидан
Утмоқликни
Хайрли билган
Қишлоқдошлар ҳақ эди чиндан.
Бири қалам тутиб,
бу ерда
Бошқалардан бўларди кўпроқ.
Настариннинг ўрнида
Бир кун дафъатан
Гаражни кўрди қишлоқ.
Гараж томида
Қув қурувчи
Ҳеч ҳам кўрмади зарар...
Энди
Гараж томида
Сайр этади
Қарғалар.

ДУСТЛИК ХУСУСИДА

Дўстларсиз ҳаётинг
Бемазмун, бенур,
Ботқоқдай очофат, бадбўй таратар.
Дўстларга етишмоқ
Эзгу мурод шу,
Шу мурод шоирлар дилин ёритар.

Шунчаки изласанг топилмас,
Улар
Кашфиётга ўхшар аввало.
Топдингми,
Асрагин бало-қазодан
Асра,
Човут урса шуҳрат ва риё.
Айтгил тўғри сўздан
Адашса дўстлар,
Ҳақиқат йўлидан чиқсалар бақир.
Сўқир дилларини
Тарк этса ғурур,
Ухлама,
Ҳақиқий курашга чақир.
Дўстларни шунчаки излашмас,
Улар
Топилар аввало
Дил кўзи билан.
Шомлардай ўтмаса шундан сўнг дўстлик,
Ғурурланса арзир,
Ҳар қандай одам.

И У Л Д А

Қадам босганинг сайин оғирлашар қадамлар.
Дам олишни
Унутганинг маъқулроқ:
Балки ўлик ҳам йўлнинг четига
Олдинига дам олай деб ўтирган.

Шамол қаттиқроқ эсар,
Йўл-йўлакай
Қадамларим қорда ялтираб қолар.

Заводгача
Йўлнинг ярми турибди..
Чопаётганга ўхшайман, тентираб бошим оғар.

Қор бўрони..
Ундан қутулиб бўлмас.
Фақат йўлда баҳслашиш мумкин:
Йиқитсанг —
Қулайман яна қайта туриш учун.
Кўр қилсанг —
Пайпаслайман, йўл топишга етар кучим!

Х О Т И Р А

Балки
Ҳозир ўша қиш..
Ўша қишдан қолгандир
Тепаликлар — қабрлар.
У қалбларда яшайди
Яшаркан биз кабилар.

Ўттиз йил ҳам
Қирқ йил ҳам ўтиб кетар,
Бизга-чи.
У қишдан юраклар далда топмагай.
Ундан бизни ҳеч ким ажратмагай.
Биз яшаймиз унга қоришиб қолиб
Хотира ва юрак билан.

Бир гап бўлса —
Қўзгалади у яна.
Ўзининг мангуга аталган ғзаби билан.
«Лаънат бўлсин!» — деб бақиргим келади.
Лекин унга шивирлайман:
«Худо хайрингни берсин».

У юракни қисади ва эзади,
Уша қишсиз
Фақат биз
Биргина қабрлармиз.
Биз қандай қийналсак ҳам,
Бу — хотира,
Тегмангиз,
Ҳатто меҳр қўлингиз билан.
Юракда тош турганда —
Оҳ, жуда огир.
Ахир оғир эмасми
Юрагингда — тош бўлса?!

Л О Л А

Бировнинг оёғи қилмади пайҳон,
Ё ҳали очилмай юлмади бир қўл,
Лекин синди
Шўрлик каттакон
Уз гулини кўтаролмай ул.

Бунда дардчил юрак бегуноҳ,
Бунда беайб қақшатган шамол.
Унда таянч йўқ эди, эвоҳ,
Усган эди
Ёлғиз,
Яккаҳол!

Д У С Т Л А Р

Одам мендан юз бурган кезлар
Хурсанд бўлар кимдир ичида.
Овоз берар шунда чин дўстлар:
— Бўшашма ҳеч, бўшашма, чида!

Хат йўллашар,
Узлари келар.
Хуллас, тарқар дил ваҳмалари,
Худди учар ликопчаларга
Ухшаш миш-миш гаплар сингари.
Шунда англай бошлайсан яна,
Бари ўтар,
Битар кўстларинг,
Бу дунёда қолар ягона
Содиқ дўстларинг!

Бахтсизликдан қочиб қутулмоқ
Мумкин эмас асли, эй, одам,
Ярамайди фақат букилмоқ
Бошга тушса ғам...

Яна кўкка соламан назар,
Тик боқаман қуёшга шодмон:
Бошқачароқ йўл тутсам агар.
Дўстларим ҳайрон!

Ғ А Й Р А Т

Яна бир ғайрат қил,
Қўярсан рекорд
Ё очарсан янги кашфиёт,
Ё жаҳонни қолдириб ҳайрон,
Яратурсан бетимсол баёт
Ё бир умр тутқич бермаган
Шоҳ мисралар
Қўниб шу заҳот,
Оппоқ қоғоз узра дафъатан
Езарлар қанот...

Нечун ҳайрат?
Ҳаммаси осон.
Фақат бизга худди шу ғайрат
Етишмас баъзан.

Т У Ш

Туш деганга нималар кирмас!
Бугун тушим ғалати бўлди:
Оёқларим остига бесас,
Қуёш қушдай ўлиб йиқилди.
Турсин деб у фалакда порлоқ,
Тўп мисоли булутлар томон
Олиб отдим,
Отдим-у, бироқ
Қайтиб тушди ерга шу замон.
Қайтиб тушди,
Худди қуш мисол,
Беҳол,
Бежон милт-милт боқади,
Қўлга олсанг — ёнади хушҳол,
Қўлса олсанг — қанот қоқади...

Туш деганга нималар кирмас!
Дунё — тирик,
Атроф чароғон,
Далаларда экинлар — барра,
Ўтлоқлардан келган ис на хуш!.

Лекин нечун
хаёлимдан кетмас сира,
кетмас бу туш!

Б О Й Ч Е Ч А К

Бу дунёга келар бойчечак
Қайтган қушлар
Элчиси мисол,
Ёхуд қуёш
Томчиси мисол —
Бу дунёга келар бойчечак.
Келмасайди агар у
Гулу гулзордан олдин,
Бутун баҳордан олдин
Биз уни билмас эдик,
Қўшиқлар қилмас эдик.

* * *

Ҳали биз ялтоқлик,
Ҳасад,
Елгонни
Супуриб отмадик ҳаётдан йироқ.
Улар яшовчандир.
Лекин имоним
Комилки,
Яхшилар ёмондан кўпроқ!

Сен эса терс бориб менинг гапимга,
Одамларга қараб
Дединг:
— Теппа-тенг!
Бас, энди бу ёғи боғлиқдир сенга,
Хўш, қайси паллани
Босасан
Узинг?

П А Р В О З Д А

Қилса-да зуғум ҳарчанд
Емғиру қор, аёзлар.
Ер узра баланд-баланд,
Жанубга учар ғозлар.

Уйламаслар ҳеч қачон:
Қайда, қандай яшарлар?
Нигоҳ ташлаб ҳар томон,
Беғам валақлашарлар.

Биргина етакчи ғоз
Чурқ этмасдан жим кетар:
У баҳор келганда, боз
Қайтиш йўлини ёд этар.

Х А З О Н Р Е З

Уртамизга қурмадим кўприк,
Уйламасман сиз ҳақда ҳаргиз.
Фақат кечда, изтиробда
Санчади киприк
Юлдузларга кўчган кўзингиз.

Хазонларнинг шитирлашида
Нафасингиз ташвишли, ногоҳ
Ҳаётининг ичу ташида
Нима учун овозингиз
Ҳар гал чекар «оҳ?»

Мудраган бу ёзги боғларга
Ой нури тўкилар хаста...
Эрта хазон бўлган барглар-чи,
Изингизни кўмармикан
Аста-аста?..

* * *

Уни офат билан ўлдириб бўлмас,
Чорасизлик қўрқитмас уни,
Барчасини енгиб ўтади.
Шундай эса-да,
Қимса бир куни
Елгон билан
Жароҳатлаб кетади?

Эврилиши айёрона
Сирпаниб ўтувчи
Совуқ нигоҳнинг!..
Елгондан ўзгаси аёндир,
Фақат уни
Тўғрилаб бўлмас йўниб.

* * *

Сирена инграр —
Учар тунги сайёралар.
Портлашдан сўнг
Уюм-уюм шағаллар ёнар.

Мен тирикман,
Лекин билмайман
Ёнимдами
Шу бузилган
Уйнинг калити!..

* * *

Севгинг сенга ҳадя
Қилар улуғ ном.
Унда ўзинг судья
Е ўзинг бадном.

Севгинг бўлса хароб,
Сўрама ёрдам.
Сен — бергувчи жавоб,
Ишқ эса — ҳакам.

Ҳалол бўлса севгинг,
Беҳудадир дод.
Ўзинг-ку яратдинг,
Ўзинг-ку жаллод.

Кимда айб кўпроқ деб
Сўз излама, бас.
Кетган севги ҳақдир
Ортига қайтмас.

БИР МАКТУБГА ИНТИЗОРЛИК

Сен кетдинг —
Шаҳардан файз ҳам учди:
Хазон бўлди толлар,
Сарғайди уйлар.
Ёмғирлар бошланди,
Изгириқ тушди,
Нохос сен туфайли
Юз берди булар.

Ойналар ортида
На куз ва на қиш.
Кўнглимда ҳам ҳоким
Шундай об-ҳаво.
Бир мактубга зорман —
Бу қандай хоҳиш?
Ҳафталар йиллардан узун,
Беадо.

Тонг-ла почтачига
Боқарман муштоқ,
Тошқотиб турарман
Титраб бедармон.
Саҳрода қолган бир
Одамман чанқоқ —
Ёмғирга зор каби
Бир хатга зорман.

Кутмасам, унутсам
Тўғри-ку бўлар —
Аммо ҳеч тан олмас
Буни юрагим.
Морзе саси ила
Ёдимга солар
Синган қобиргалар —
Бор-йўқ суягим...

* * *

Бу қиз «севаман» деб айтмаган асло,
Бироқ
денгизбўйи бандаргоҳида
кемага хушхабар бергандай гўё
рўмолчаси
ҳилпираб турарди узоқ.

Қоронғида қолди сўнг
баҳри муҳит,
Кўрфаз мавж ортида қолди бенишон,
Қиз йиғлаб қолганин
билмади йигит,
билмади
ва билмай ўтди ҳеч қачон.

* * *

Севгини қийнашди,
ёмон қийнашди...
Оҳиста сўйишди,
боплаб сўйишди.
— Тентаклар! — деб севги
ўтда туташиди.
Улар эса яна
мой ҳам қуйишди.

Севгини қийнашди.
У қилди қазо.
Улгани ёлғон деб
ўйлашди улар.
Севги алдамоқни
билмайди аммо.
Унга куйишмади
дастлабки кунлар.

Севгини қийнашди...
Маъракасида
эр ёноғи — яра,
хотин кўзи — ёш.
Севги мазорининг
гулларин энди
суғоришар, зимдан...
Жимжит қабртош...

* * *

Кечирди ёр,
Аммо кўз тубларида
Қувонч эмас, ноумидлик бор.
Бу галги кечирини
Демак, аслида,
Видолашув билан баробар.

* * *

Қаҳратон қишда ҳам
Гўзалдир шаҳрим,
Аmmo менга ёқмас
Унинг бу ҳусни.

Уруш пайти менинг
Бўлган душманым,
Унутмайман унинг
Қилмишларини.

Баҳор олиб келди
Умид ва шифо,
Қотил қиш кўпларни
Қилганди сағир.

Дерсиз: табиатнинг
Бунга дахли йўқ.
Унутиб бўларми
Утмишни, ахир.

* * *

Мамнун бўлсам агар
Ҳамма нарсдан,
Ожиз, нодонлашиб
Қолибман бешак.
Одамларнинг ғаму
Шодликларига
Ланг очиқ эмасдир
Кўкрагим демак.

Ким хилват гўшада
Аср жангларин
Ўтиб кетарини кутмоқчи бўлса,
Унутган шиллиққурт сингари яшаш
Иснод эканини
Инсон номига.

Ф А Р И Ш Т А

Кўкнинг ғазабига қолди фаришта,
Қулоғига олиб тангрининг ҳукмин,
Жудо бўлиб оппоқ қанотларидан
Ерга кўчиб келди яшамоқ учун.

Эл қатори яшаб, ўзини тийди,
Рўза тутар чоғни унутмади ҳеч.
Сўнг бир куни шундай фикрга келди:
Кечирилган чиқар эски гуноҳ иш.

Кўкка парвоз қилди вертолёт шайлаб,
Ўйларди юраги орзуга лим-лим:
Дарвоза олдида кутиб олишар,
Аммо дарвозани очмади ҳеч ким.

Ўзи тенги бўлган фаришталарга
Ғазабини ютиб босиқлик қилди.
Куйлагандай қилиб эслатди аста:
— Дарвозани очинг, фаришта келди.

Ҳеч ким дарвозани очмади бешак,
Яйраб кулишдилар аммо шу нафас:
Фаришта қанотсиз қолдими, демак,
Энди у мутлақо фаришта эмас.

Й И Л Л А Р

О, ўтган йилларим,
Кимсиз, қайдасиз?
Қайси бирингиздан
Фақат ҳорғинлик,
Қайси бирингиздан
Қолди сувда из,
Яшагандайману
Из йўқ — сокинлик.

Мана бу йилларни
Йил деса арзир:
Қуш сингари баланд
Парвоздаман мен.
Не ишлар қилардим
Билсайдим агар
Қайтмасига шунда
Бўлсайдим амин.

Бу йиллар —
Мисоли йўлдаги юлдуз,
Билмайсан уларнинг
Қай бири ортиқ,
Олдиндаги йўл-чи,
Агарчанд холис,
Тоғ сўқмоғи каби
Борган сари тик.

Юксак чўққиларни
Забт этмоқчисан.
Кучинг етадим,
Айтмоқлик оғир.
Бир зинага қадам
Қўймоқ бўласан,
Лекин бу қадамни
Қўймоқ ҳам зарур.

* * *

Хат ёзар, ишонар,
Гўёки уни
Дилдори йўлига интизор кутар.
Очиб кўрилмаган хатлар тахлами
Стол тортмасида
Чанг босиб ётар.

Сўнгра излаб келди саргардон кезиб,
Таниш уйни топиб.
Чақирган эди.
Эшик орқасидан шу қизнинг ўзи.
— Бу ерда ундай қиз
Турмайди, — деди.

* * *

Биз ҳеч қачон чўммагандик
Сукутга бунча,
Бунча узоқ ўйларга
Толмаган эди:
Уша қиш
Қурбон бериб,
Қўрқув,
 гам-ҳасрат ичра
Ҳар бир янги кунни
Янги
 ҳасратдай кутиб.

Таъна қилмоқ нечун
Жуда шошдинг деб,
Кўп оғир қарорга келдинг деб дарҳол?
Бугун нима қилмоғимни
Шунда ҳал этиб,
Бир қарорга келгандирман
У дам, эҳтимол.

Т О Г Э Р Т А Г И

Бу қадим эртакни
Тоғли заминда
Бир чол айтган эди
Анча муқаддам:
Бир малика ўтган
Қачондир бунда:
Унинг бор экан бир
Хизматкори ҳам.

Одоб қондасин пухта биларкан,
Байрам кунлари ҳам
Ичмаскан ароқ.
Бир куни фойтунга
Кузатар экан
Малика этагин
Босибди ногоҳ.

Тўс-тўполон!
Кечки зиёфат эса
Малика фикри-ла бекор бўлибди.
Сўнгра аравакаш
Бундоқ қараса,
Арраланган экан
Фойтуннинг ўқи.

Асли хизматкорни
Сийламоқ жониз.
Аммо адабини
Берди хўжайин.
«Тумшуғинг ҳар ерга
Суқаверма ит!»
У бу
маслаҳатга
юрмади тайин.

Гуссада малика
Тошга айланди,
Жилга бўлиб оқди
Ундан чиққан нам.

Тоғдан жилдир-жилдир
Оқади ҳамон.
Малика эканин
Қоя
Биласан.
...Эҳ, нималар содир
Бўлиши мумкин,
Дўстингни эҳтиёт
Қила олмасанг.

И У Л Л А Р

Иўллар кулар,
Агар сени уйга элтар бўлса улар.
Иўллар йиглар.
Ўз уйингдан кетаётган бўлсанг агар.
Кимгаки бу
Оғриқ ёт бўлса агарда,
Яшамаган
У уйдан олнсларда.

Менинг-ку, ҳеч
Эътирозим йўқ йўлларга.
Иўллар бизни
Зийрак қилар,
Ҳушёр қилар.
Сафарлардан
Ўзин таниб қайтгай инсон,
Дийдор нима,
Соғинч надир шунда билар.

Баъзан
Ердам беролмаса сизга ҳеч ким,
Яхши дўстдек сўзсиз келиб улар қўллар.
Йўллар кулар,
Қайтар бўлсанг уйингга жим,
Йиғлар агар
Уйдан кетар бўлсанг йўллар.

Х И Р О С И М А

Ядро портлаши туфайли жароҳатланиб Хиросима госпиталида ётган беморлар қоғоздан жажжи турначалар яшаш билан банд. Японияда қоғоз турначалар узоқ яшаш тимсолидир...

Қушлар ҳамон
Ин қурмайдиган.
Хиросима шаҳрида бемор,
Кўзёшлардан бағри дили қон,
Кенг ва ёруғ шифохона бор.

Шифо излаб бунга келгандан,
Жардан
Қулаб тушган минг афзал.
Атом отли
Шамоли ажал,
Ҳамон кезар палаталарда.

У шарпадек яшайди бунда,
Дарпардани ўйнайди тунда,
Юракларни сиқар нафаси,
Нигоҳларни сўндираш шамдай.

Беморлар-чи,
Турфа беморлар,

Гўдаклару
Қариган чоллар,
Гулчамбарлар
Ясар тинмасдан,
Жонсиз,
Қоғоз турналаридан.

Ўша ажиб гулчамбарларин,
Елкангизга қўйишар илиб.
Ҳушёр бўлинг,
У гулни тагин
Кўтаролмай, тушманг йиқилиб.

Қоғоз турналардан ясалган
Тошдек зил бу
Гулчамбарда жам
Улганларнинг руҳин кўрдим ман,
Сиреналар фарёдини ҳам.

Замин йиғлар,
Момо ер йиғлар,
Унга атом раҳна солмасин.
Ёруғ дунё узра ҳеч қачон
Турналар овози тинмасин.

Д А Л Л И

Паромга кеч қолдим ман...
Шу баҳона
Танишиб
Олдим бир йигит билан,

Гулханга ўтин излаб,
Биз тушиб кетдик сойга,
У бўлса жим тошларни
Тўплайверди бир жойга.

Бизлар хафа. Уйлардик:
Дангасага ўхшайди.
Юра кулар,
Бепарво,
Тинмай тошин тўплайди.

Сой бўйида шу кун
Саҳаргача ўтирдик
Гулхан сўнганда унинг
Тошларига исиндик...

Г У Л Х А Н

Уч киши эдик. Оқшом
Сезган эрдим.
Иккови шод менсиз ҳам:
Не ҳам дердим?

Мен жим бориб гулханга
Қўл тутаман.
Балки, битолсам янги
Шеър битаман.

Суймагандан мен ҳам юз
Ўгираман.
Жим оловга исиниб,
Ўтираман..

М А С Х А Р А Б О З

Қанча чиқса шунча оз,
Кўмилади қарсакка.
Саҳнада — масхарабоз,
Чўмилади қарсакка.

Қандай моҳир!
Ҳаммани
Кулдіради — толмайди.
Кулгусин кўрар ҳамма,
Юзидан оққан терга,
Ҳеч ким назар солмайди.

У Ч О В Л О Н

Мен уларни топаман. Устига тўшак ёпаман,
Нималардир дейману эшитмас улар бироқ.
Сўрсам жавоб беришмас, мен улардан хафаман,
Биз уч кишимиз ахир, бир хонада уч ўртоқ.

Бир уйда уч кишимизу иккитамиз бесасмиз,
Энди ҳеч туrolмасмиз,
Буни ахир биламан...
Билиб туриб нимага қўлимдаги нонни мен,
Яна учга бўламан?

ЛЕНИНГРАД ДАРАХТЛАРИ

Яшил паҳлавонлар яшайди узоқ,
Қамал ўтиб кетар, шунда кўргайсиз,
Уларнинг ўқ теккан жойи бесаноқ,
Лекин бирон болта қолдирмаган из.

Ким айтар сақланиб қолмаган бежиз,
Бу ерда ҳеч нарса йўқ фавқуллода.
Дарахтлар! Бош эгинг одамларга сиз,
Не ўтди, ҳеч қачон чиқарманг ёддан.

Неки бор — ёқдилар қишда нонлож,
Жавонлар, эшиклар, курсию катлар.
Бу боғ арра кўрмай топганди ривож,
Кесилиб йиқилган эмас дарахтлар.

Лоақал бир лаҳза тафт берарми деб,
Ёқишди китоблар, ҳаттоки хатни.
Шундоқ ёнларида ҳиёбон, боғ кўп,
Аммо ёқишмаган бирон дарахтни.

Қирмаган ҳисобга, музлаб ўлса ким,
Қандай хавф бор яна? Ҳеч ким билмас, тек.
Дарахтлар-чи, мағрур туриб берди жим
Худди Русиядék, Ленинграддек.

Басавлат, тек турмоқ манглайга битган,
Дарахтлар! Сизларга бор битта арзим —
Қабрли-қабрсиз кўмилиб кетган
Ҳамюртлар шаънига қилингиз таъзим.

* * *

Вақт — табибдир ҳар нарса учун,
Шу хизматин қилар у доим.
Қалбда оғриқ пасаймас нечун,
Унга вақт ҳам бўлолмас ҳоқим.

Қаранг, ахир беш ё ўн йилмас,
Ҳар Ғалаба куни бир жувон
Бобосининг қабрига гулмас,
Олиб келар фақатгина... нон!

* * *

Қалба бор ришталар
чигаллашган чоғ,
манманлик бошқарар бизларни гоҳо,
Шунчаки яшамоқ,
ёниб яшамоқ,
Мана, қандай савол беради замон.
Қимсан,
Мардмисан ё мардликдан сўйлаб,
бир четдан бўйлаб кузатган қўрқоқ.
Яратиб

севдингми,

фидо бўлдингми

Ёки таи олишдан қўрқиб вайсадинг,
Шунчаки яшамоқ?
Ёниб яшамоқ
Қайга югурасан,
Недир мақсадинг?
Бу умр нимадир?
Гар сокин, беғам
Дўндирмоқ мумкиндир ёлғонни.
Тирикчилик дея яшамоқ осон,
Жуда оғир лекин
яшамоқ ёниб!

* * *

Боғчадан ёмғир шамол
Ҳароратни ҳайдади.
Оққайин
Бармоғила
Деразамни тирнади.

Ёмғирнинг пок, мусаффо
Сувли толаларидан.

Оққайин
чўзар қўлин
менинг нурли
хонамга.

Чақиради қоронғу
қучоғидан у мени
шамолларда чайқалиб.
Тушунмайман, не дер у
Термуламан
Қийналиб.

Қарғар балки ёмғирни,
Балки
Титраб совуқдан
ҳис этиб
огоҳ этар андуҳдан.

* * *

Соат чопар,
кемалар сузар.
Поездлар силкинар
темир изларда
Куйладик, ишладик
Айтдик қўшиқлар,
Сезмадик, вақт порлаб
Қолди кўзларда.

Билмадик тунларнинг
Келмаслигини,
Саратон ортидан
бўлмаслигин қиш.
Кимнингдир ёвуз

истаги билан
Куррайи арз тўхтаб
қолишин, илкис.

Қаримай қолдилар
бирдан одамлар.
Вояга етмади
Болалар ҳатто.
Энди нима бўлар
бу ёғи, ахир
Бу бузрук заминда
Қим берар жавоб.

Лаблардан ариди
табассум, кулгу.
Гўё шамол узиб
Кетгандай ногоҳ.
Титраниб қайғули
Аччиқ туҳфадан
Ер бўйлаб югурди
Санчилувчи оҳ.
— Керакмас!

Ҳеч ким жавобини
Тутмади пинҳон.
Ҳаётнинг шаън
Мазмуни — сувда,
Ўтда — қорда
Тунда — кечада,
Ҳам башар наслининг
алмашувида.

Майли бу коинот
Ерни чарх этсин.

Қодир куч йўқ асло
Тўхтатса уни.
Муваффақ одамдир,
Ёлғиз у фоний.
Лек юлдуз нуридай
олам абадий.

Ч Е Г Е В А Р А

Ер юзинда
Қабри йўқ Че Геваранинг,
Фақат одамларгина билишар
Турфа юртларда
салгина, чала аниқ —
Унинг исми Че.
Уни эслатади баъзан гитара,
Баъзан
Исёнчилар кўтарган милтиқ.

Не каромат кўрсатган мағрур,
Қайдан унда бу қадар шуҳрат.
Ахир ҳақ эди-ку, баъзан Гевара
Учганида
Қоп-қора калхат.
Ахир маълум азалдан — азал,
Ноҳақ бўлса баъзан ботирлар.
Ҳеч гап эмас
Майда хатолар.

Одамга ҳам, тасодифга ҳам
Умидланмай
Одамлар учун
Борар эди оловга тикка.
Истар эди,
бор-йўғи фақат

Одамларга кулиб боқсин бахт
Вале
бу бахт келсин
Тезликда.
Майли шундан кейин душманлар
Атасалар —
Қароқчи ўғри.
Магар бирор ерда бирор халқ
Борар экан типпа-тик, тўғри
Кўтараркан бошини баланд,
Саф бошида Гевара турар.
Қачонлардир тургани каби
Фақат бир гап,
Бундан буюғи
Унга ўқлар
теккани қўрқар.

ОҚ ТУНЛАР

Невада меъмор баҳор
Яратади гўзаллик.
Кетар чоғи айтади
Айтилмаган бир қўшиқ.
Миррихнинг даласида
Гуллади хушбўй суман,
Нафармонранг,
оппоқ,
суманранг.

Ва оқ тунлар —
Ойдин тушлардай
Софлигу ёруғлик қуймаси янглиғ.
Эрта-индин бошланар, бироқ
бир оз тафтли,
Овози ўтлиғ.

Қора тунлар
Қабоқларга хос.
Аммо шундай
Бўлса ҳам кунлар
Қолмасинлар сира
Бепардоз.
Оппоқ тунлар булут ила
нафас ол
тўйиб, ютоқиб
яна суман очганича юз.

НЕВАДА ТОНГ

Уйқудан тур, ҳайратлан
Ўчмай туриб
Гўзаллик.
Тонг уфқининг парчаси
Борар
Ойнакларга урилиб.

Унинг майин жарангин
Тилинг такрор этолмас.
Шундай куйлар боди субҳ,
Урилиб тўсиқларга.
Ухлаб ётган Ленинград
Узра, яшил томлардан
Сизиб, чопиб тонг отар
Мастона қўшиқлардай.

Гумбазларни товлатиб
Пештоқларга берар ранг.
Улар — нафис, нигоҳдор,
Гўзалроқ кечагидан.

Тонг ўзини ҳеч қачон
Маълум этмайди такрор.

Мўйқалами нақадар
Ўтар нозик
ва ҳеч ким
Адмиралтейство найзаси,
Петропавловск авжидан
Узолмайди нигоҳин.

Невадан эса ўтар
Катта-катта кемалар
Силкинади кучаниб,
Тебрангани тебранган.
Мудроқи сув
Гўёки тўшалган
Мовий
Гидам.

Невадан тинмай ўтар
Тўлқин ўйнаган соллар.
Оғирюк кемалари,
Ҳамда балиқчи қушлар.
Қилганча гўё мазах
Қаҳқаҳа уриб ётар
Ўртасидан иккига
шарт бўлинган кўприклар.

Кейин,
Деразага яқин келган чоқ,
Тун ортидан
Бўзаради кун.
Сен кўрасан
Кўркам ҳамма ёқ
Ва гўзаллик — бошқача бугун.

ТУНГИ ДЕНГИЗ

Юлдузу чағалайлар мудрайдилар жимгина
Фақат сархуш шамоллар
Беланчакда гўдакни
Тебратгандай оҳиста
Денгизни тебратурлар.

Айтилган қанча қўшиқ,
Лек тасалли беҳуда.
Яна денгиз қўйнида
Аллалар чақнар ўтдай.

Гоҳ уф тортиб,
Гоҳ сапчиб.
Гоҳ сачратиб тўлқинни
Гўё оловли ёлқин —
Мовий денгиз уйқусиз.
Балки ҳақдир ўзича
Ҳарқалай бу ўз мулки.

Хаёлга бир келтиринг
Не бўларди мабодо...
Камарларда тиқилиб
Тошдай қотган сув каби
Қотса, қолса у ўлиб.

Сўрармидик шунда биз
Тирикмикан еримиз.
Айтармидийгми балки
Денгиз ўлгач
Ер ўлган.

Тўлқинларни силайман
гоҳ гапира,
гоҳо жим...
— Эй, денгиз, гувла бетин,
Овозингни эшитсин —
Хотирлайман
Хотиржам.

* * *

Баҳр қуши
Мудом баҳр қушидир,
Маъдан — ернинг остида маъдан.
Одамга эса доимо
Фурсат зарур, фурсат,
ўзин таниб олиш
учун ҳам баъзан.
Барча чирик фикру ёдни
Оловга ташлаб-
Юрагида ярим севги, ярим ҳақиқат,
Ярим ёниш, ярим чулғаниш
Ҳокимлигин ағдармоқ учун
Фурсат зарур,
Озгина фурсат.
Билмак учун
Ҳа ёки йўқ деб
Чиқармоқдан олдинроқ ҳукм.
Қабул қилмай туриб қарорлар,
Жангчи бўлгин аввало ўзинг.
Қийин эмас зафарлар қучмоқ.
Қийин бироқ
Мағлубиятдан
сўнгра
Одам бўлиб қололмоқ.

Қ А Й И Н

Қайин
Маломат қилмади, ақалли таъна,
Арра тишларини
ғижирлатганда
Фақат баргларини сочиб юборди
мисоли танга,
Қарзларини бермоқчи эди,
Намхуш шамол учун,
Қувноқ ирмоқ учун —
Уни субҳи содиқларда
Уйғотган қушлар
Ташналигин қондирганичун
ҳам юлдузлар
жилосию нурлари учун.

Йиқилишга шошилмасди у
гарчи куч-қуввати
кетар танидан.
У эса хоҳларди,
жуда хоҳларди
қутулмоқни барча қарзидан.
Хоҳларди у
йиқилган чоғда
баргларининг жаранглашим ҳам.

Қ У Ш И Қ

Қанна ва Ницца ораси,
Иўлдаги ресторанда
Куйлади
Қайин ҳақда
Омсклик хонанда.

Таомлар унутилди,
Қутланди меҳмон
дилдан.
Ногоҳ бир чол
Русчалаб
деди:
Бўлсин қўшиқдан.

Эшикда ўлтирганди
Аёл куйлаган пайти,
Чиқди унинг
қошига:
— Айтгил...
Она юргим овозин
Яна келди эшитгим.

Куйла,
Саҳрода сув сўраган каби
Сўрайдирман,
Бир саёқ акангдирман.
Ўйламагин текинга
Пул биланмас, о, армон
Пулим йўқдир бусиз ҳам.
Сен куйлайсан,
Ииғлайман
Кўз ёшим-ла
Тўлайман.

Қўшиқ
Яна жаранглар,
У боқар елкалардан.
Кўзларида
Тутайди
Гўё ўчаётган шам.

Ундан-да бахтлироқ кимса йўқ эди,
Ўғли юриб кетди!
У энди тайёр
Бу ҳақда бетиним
Гапирмакликка.
Фақат сўз йўқ, айтмас
Ўзи ҳақида.
Асли
Гўдак недир бидирлаб
Турди ҳайрон,
Қалтираб ногоҳ,
Онасининг тафтли қўллари
Икки нурдай
Кўрсатди томон.
Ва қўрқувлар
Тарк этди уни,
Юрган чоғи
Тўсиқлар янчиб,
Онасининг қайноқ қўллари
Икки қалқон
Янглиғ таянчи,
Доим унинг
Ёнида эди.
Ва у ўтди
Стул стол қадар.
Оёқ ости
Қирғоқдай титрар.
Онасининг момик қўллари
Икки қанот
Сингари уқпар,
доим унинг
кифтида эди.

Вақт келарки,
остона ҳатлаб
Ўғил кетар,
Айрилиқ — ҳасрат...
Лекин барча
Иўллар бошида
Она қўли
чўзилган — шафқат.

ЎРМОН КЕСУВЧИ

Ишларди, кучини кўрсатиб
Дарахтзор сийраклаб борса ҳам
Қайин жим боқарди
Ҳангу манг,
Иш бошлаб
Юборса у бирдан.

Қилт этмас,
У пайдо бўлса, бас,
Лол эди унинг қатъиятидан.
Лекин қотил лаҳза
Келди бир пастда:
У қайинга адл
Кўтарди болта.

Ва шунда
Қалтиради қайин
Кўзига
Ўрмон кесувчининг юзидан
Ёш оққандай
Кўринди унга...
Табассум-ла
Титради лаби.

ОҚҚУШГА ҚАСИДА

Таврия князи бунда бир замон
Июнь кунботарни кутгандир омон.
Ҳозир
Тавриянинг боғи аро биз
Оққушларни бир-бир тераётирмиз.

Оққуш қайнатмаси ёвгонроқ тусда,
Таъми ҳам ачкиқроқ устига-устак:
Шўрва эмас асло, бу бир мастава,
Қичитқи ўт шўрва ундан хуш пича.
Йўғ-э, тўғрисини айтган доим соз —
Шовил шўрвасидан
Мазали бир оз.

Истамайман хафа қилишни сира
Оққушни бирваракай ҳатто.
Ҳазил қиялпман-у, кўнглимдир хира,
Оққушдан қарзим катта.

ЖАНУБ ЁМҒИРИ

Бу жалалар
Ки дала боғларга солгувчи қирон.
Ўхшамас Русня ёмғирларига,
Гарчанд ўша осмон
Мана, уч кеча,
Сувлар кўчкилардай солар гулдурос.
Улкан ликоп аро кўпираётган
Бу фалак — океан.

Табиатда магар мувозанат бор,
Қайда у?
Нечун ушбу соат, ушбу сония.

Бу тупроқ, бу замин одатдагидек,
Сувга бўкиб ётар, кераксиз сувга.
Биёбонлар эса чанқаган
Қумли бўғзи бўйлаб ўтар қичқиряқ.

М О Ц А Р Т

Шамол увлар эди,
Тутқичларин юлқиб дарвозаларнинг,
Ёмғир сепар эди
Деразаларга.
Хушнуд эди Моцарт
Интиқ кунда ҳам
Ёнида Сальери.
Дўсти мукаррам.

Лекин ул дўст
Титроқ қўл билан
Қуяр пайти қадаҳга бода.
Туюлдими, ҳар қалай бирдан
Камин бирдан тортди қоп-қора.

Балким мумкин эди,
Қадаҳни
Деразадан улоқтирмоғи,
Ёхуд ноҳос ташламоғи ҳам.
Лекин у ичди.
Чунки
Дўстлик улуғ эди шубҳадан.

С А Й Е Ҳ

Қайта учиб кетиш олдидан,
Айтарди у
Шаҳарга қараб:
— О, бу шаҳар

Музейга ўхшар,
Менга қолса чет элликлардан
Қириш учун
Олар эдим ҳақ.
Тушунмади,
Тамошахоҳ кас
Кетар экан денгиздан узоқ.
Ҳақ олинмас
Ленинградда
Қабоқларга боқилур бироқ.

У бу ерда кезди кўп,
Ҳамма билан, бир ўзи ёлғиз.
Гул элтмади у Пискарёвга!
Қолдирмади из...
Балки вақтин қизғанди, балки
Асаблари унча яхшимас.
Балки юрак шунчаки юрак,
Балки юрак ҳали юракмас.

ТОНГГИ ШАМОЛ

Июнь боди
Томлардан ўтар,
Япроқларни ўтадир чалиб.
Бироқ
Бирдан овози чўкар
Қолганида Невага келиб.

Нева бунда
Ёлғиз ҳукмрон.
Чағалайлар, дарахт, кемалар
Хиргойисни такрорлаб бир пас,
Нева куйлар, бод эса тинглар.

Сўнгра
Шўхчан соҳилда
Қимирламай кутадир.
Чиққунича
Думалаб
Булутга шамс мусаввир!
У ёғи йўл — узун йўл,
Қўллариди мўйқалам:
Қуёшла биргаликда
Тирилтирар рангни ҳам
Товушларни, оҳангни.
Уйғотади шамс билан
Майдонларни, боғларни!

ЛЕНИНГРАДДА ЖАВЗО

Болтиқ бўйида ҳаддан ташқари иссиқ
ҳаво оқими сақланиб турган бир пайтда
Африкага совуқ ҳаво оқимлари кириб
бормоқда.

Об-ҳаво маълумотидан.

Дим, иссиқ
Шамоллар — улар ҳам куйган.
Муаллақ қолмишдир булутлар,
Билиб бўлмас
Бундай пайт
Қайноқ дарё қай томон
Оқар.
У, иссиқдан кўприк ҳам, ажаб
Белларини олибди букиб.
Терлаб кетган асов тулпорлар
Тайёр
Жавзо дастидан сапчиб
Кетмакликка фаввораларга.
Афсус, ҳушёр турар қўриқчи.
Бинолар ҳам қизир, ўтланар
Печкадайин.

Дарахтлар қовжираб алаҳсирайди,
Қани ёмгир, ел майин.
Ахир иссиқ, дим, иссиқ,
Қутулмоққа чора йўқ,
Бўлмас сира сел пайти,
Дейишар-ку илож йўқ
Кутиб туришдан бошқа,
Дафтаримга сўз тушар,
Сўник нигоҳим тушар.
Қуриб қолган қаламдан.
...Шу лаҳза Африкада
Осмондан
Нажот сўрашар балким,
Ахир қачон
Исир иқлим.

* * *

Нотинч санаб ёғоч шпалларни
Гулдураб,
Жимликни чўчитиб,
Поезд елар.
Тутун эриниб
Юлдузли тун
Аршига ўрлар.

Шунчаки ўзимга
Дашном эмас бу,
Ўтган йилларимни
Ҳақорат этмам.
Поездларнинг ойнакларидай
Милтиллаган хаёлларимни
Тушунмайман,
Тутаолмайман.

Афсус,
Ҳисоб бермак пайти ҳам келди,
Энди қадамингни
Секинлатасан.
Афсус — бу умрий муддатда
Улгурмаганман
Кўп нарсага.
Баъзан тўғри қилганман,
Баъзан
Анови юлдуз
Сафарга чиқмайди қайтадан аён.
Поезд
Ёғоч шпалларни улоқтиргунча
Хуш-беҳуш югурар
Манзиллар томон.

В А Қ Т

Ҳар бир умр йилномасида
Тош-тарозу магар кунлар, лаҳзалар.
Магар навқиронсан
Вақт нортуюдай
Енингда шошилмай секин одимлар.
Салгина улғайсанг —
бўлди, чопар тез
Кунлар елиб ўтар тўхтатиб кўр-чи.
Сен-чи, оқ-қорани ажратолмасдан
ўйлайсан,
Ҳаммаси олдинда.
Ҳали бор кучим.
Вақтни боғлаб бўлмас, наки силжитиб
йўллардан кечганда
ғолиб, соғ-омон.
Қай бир бурумларда унга етардинг,
Билмассан,
Ундан ўзолмассан ҳеч қачон.

МУНДАРИЖА

Қанот. Чори Авоз таржимаси	3
«Қамал кунларида...» Шукрулло таржимаси	4
Отишма. Ё. Хўжамбердиев таржимаси	4
Излар. Ж. Сувонқулов таржимаси	5
Она сўзи. А. Қутбиддинов таржимаси	6
Вайроналар. Ж. Сувонқулов таржимаси	10
Шумурт. Ж. Сувонқулов таржимаси	11
Шаҳар чеккасидаги боғ. Ж. Сувонқулов таржимаси	12
Ёмғир. Ж. Сувонқулов таржимаси	12
«Баъзан шундай...» А. Қутбиддинов таржимаси	13
Қирқ бешинчи йил кузи. Сулаймон Раҳмон таржи- маси	15
«Қулоғимда қолмиш...» Рауф Парфи таржимаси	16
Тошлар. Ё. Хўжамбердиев таржимаси	16
«Ҳаётга саволлар...» Сулаймон Раҳмон таржимаси	17
«Тунлари...» А. Қутбиддинов таржимаси	17
Неруда жаллодларига. Сулаймон Раҳмон таржима- си	18
Соғайиш. Сулаймон Раҳмон таржимаси	19
Булгарин. Сулаймон Раҳмон таржимаси	20
«Баландпарвоз сўзлар...» Сулаймон Раҳмон таржима- си	20
«Тоғлар...» Сулаймон Раҳмон таржимаси	21
Қадаҳ. Сулаймон Раҳмон таржимаси	22
Балиқ овида. Сулаймон Раҳмон таржимаси	22
Куз. Сулаймон Раҳмон таржимаси	24
Арш. Сулаймон Раҳмон таржимаси	25
Кечикиш. Сулаймон Раҳмон таржимаси	25

«Бу зот...» Сулаймон Раҳмон таржимаси	26
«Туйқус келар...» Сулаймон Раҳмон таржимаси	26
Уста. Ҳ.Аҳмедова таржимаси	27
«Майнинг шафақларига...» Ҳ. Аҳмедова таржима- си	29
Азада. Ҳ. Аҳмедова таржимаси	30
Сатрлар. Ҳ. Аҳмедова таржимаси	30
«Гапирарди...» Чори Аваз таржимаси	31
«Қанотсизлар...» Чори Аваз таржимаси	32
Оддий воқеа. Чори Аваз таржимаси	32
Дўстлик хусусида. А. Қутбиддинов таржимаси	33
Йўлда. Рауф Субҳон таржимаси	34
Хотира. Рауф Субҳон таржимаси	35
Лола. Сулаймон Раҳмон таржимаси	36
Дўстлар. Сулаймон Раҳмон таржимаси	36
Ғайрат. Сулаймон Раҳмон таржимаси	37
Туш. Сулаймон Раҳмон таржимаси	38
Бойчечак. Сулаймон Раҳмон таржимаси	39
«Ҳали биз...» Сулаймон Раҳмон таржимаси	39
Парвозда. Сулаймон Раҳмон таржимаси	40
Хазонрез. Е. Хўжамбердиев таржимаси	40
«Уни офат билан...» Е. Хўжамбердиев таржимаси	41
«Сирена...» Е. Хўжамбердиев таржимаси	41
«Севгинг...» Миразиз Аъзам таржимаси	41
Бир мактубга интизорлик. Миразиз Аъзам таржима- си	42
«Бу қиз...». Миразиз Аъзам таржимаси	43
«Севгини қийнашди...» Миразиз Аъзам таржимаси	44
«Кечирди ёр...» Маъруф Жалил таржимаси	44
«Қаҳратон...» Маъруф Жалил таржимаси	45
«Мамнун бўлса...» Маъруф Жалил таржимаси	45
Фаришта. Маъруф Жалил таржимаси	46
Йиллар. Маъруф Жалил таржимаси	47
«Хат ёзар...» Маъруф Жалил таржимаси	48
«Биз ҳеч қачон...» Маъруф Жалил таржимаси	48
Тоғ эртаги. Маъруф Жалил таржимаси	49

Йўллар. <i>Муҳаммад Юсуф таржимаси</i>	51
Хиросима. <i>Муҳаммад Юсуф таржимаси</i>	52
Далли. <i>Муҳаммад Юсуф таржимаси</i>	53
Гулхан. <i>Муҳаммад Юсуф таржимаси</i>	54
Масхарабоз. <i>Муҳаммад Юсуф таржимаси</i>	55
Учовлон. <i>Муҳаммад Юсуф таржимаси</i>	55
Ленинград дарахтлари. <i>Шукрулло таржимаси</i>	55
«Вақт — табибдир...» <i>Шукрулло таржимаси</i>	56
«Қалбада бор ришталар» <i>Шукрулло таржимаси</i>	57
«Боғчадан...» <i>А. Қутбиддинов таржимаси</i>	57
«Соат чопар». <i>А. Қутбиддинов таржимаси</i>	58
Че Геваро. <i>А. Қутбиддинов таржимаси</i>	60
Оқ тунлар. <i>А. Қутбиддинов таржимаси</i>	61
Невада тонг. <i>А. Қутбиддинов таржимаси</i>	62
Тунги денгиз. <i>А. Қутбиддинов таржимаси</i>	64
«Баҳор қуши». <i>А. Қутбиддинов таржимаси</i>	65
Қайин. <i>А. Қутбиддинов таржимаси</i>	66
Қўшиқ. <i>А. Қутбиддинов таржимаси</i>	66
«Ундан-да бахтлироқ...» <i>А. Қутбиддинов таржимаси</i>	68
Ўрмон кесувчи. <i>А. Қутбиддинов таржимаси</i>	69
Оққушга қасида. <i>Ж. Сувонқулов таржимаси</i>	70
Жануб ёмғири. <i>А. Қутбиддинов таржимаси</i>	70
Моцарт. <i>А. Қутбиддинов таржимаси</i>	71
Сайёҳ. <i>А. Қутбиддинов таржимаси</i>	71
Тонгги шамол. <i>А. Қутбиддинов таржимаси</i>	72
Ленинградда жавзо. <i>А. Қутбиддинов таржимаси</i>	73
«Нотинч...» <i>А. Қутбиддинов таржимаси</i>	74
Вақт. <i>А. Қутбиддинов таржимаси</i>	75

Литературно-художественное издание

Юрий Воронов

КРЫЛЬЯ

Стихи

Художник **М. Кудряшова**

Сборник издан за счет экономии бумаги

Ташкент,

издательство литературы и искусства

им. Гафура Гуляма

1989

На узбекском языке

Адабий-бадий нашр

Юрий Воронов

ҚАНОТЛАР

Шеърлар

Қитоб иқтисод қилинган қоғоз ҳисобидан босилди.

Редактор **А. Қутбиддинов**

Расмлар редактори **А. Мамажонов**

Техн. редактор **Р. Рахматуллина**

Корректор **Ш. Дадажонова**

ИБ № 4230

Босмахонага берилди 11. 08. 88. Босишга рухсат этилди 12. 01. 89. Формати 70x90 1/32. Босмахона қоғози № 2. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 2,92. Шартли кр. оттиск 3,06. Нашр. л. 3,27. Тиражи 5000. Заказ № 109. Баҳоси 40 т. Шартнома 137—88.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
700129. Тошкент, Наврий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Бекобод шаҳар босмахонаси.
702909. Бекобод, Аббосов кўчаси.

Воронов, Юрий.

Қанотлар: Шеърлар. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. — 80 б.

Таниқли рус шоири Юрий Воронов — «Ҳаёт қудрати» (1966), «Қамал» (1968, 1973, 1982, 1986), «Хотира» (1971), «Росси кўчаси» (1979) «Ниҳоясиз садо», «Тарози» (1986), «Оқ тунлар» (1987) шеърӣ мажмуалар муаллифидир. «Қамал» шеърӣ китоби учун у М. Горький номидаги РСФСР Давлат мукофотиға сазовор бўлган.

Ўзбек тилида биринчи бор нашр этилаётган мазкур тўлам мундарижасини шоирнинг Улуғ Ватан уруши йиллари мудҳиш қамал кунларини бошдан кечирган ленинградликлар жасоратиға бағишланган «Қамал» ҳамда замон ва дунё тақдирига тақдирдошлик руҳи билан суғорилган «Тарози» китобидан сайланган шеърлар ташкил этди.

Воронов Ю. Крылья: Стихи.